

Таълим – тарбия жараёни ва талабанинг бўш вақти

Усмонов Нейматжон – ФарПИ доценти,

Усмонова Мухтасар – ФарПИ катта ўқитувчиси

Ахбарот коммуникацион технологияларининг ривожини бугун ҳар қандай мамлакат ривожланишининг асосини ташкил этмоқда. Ҳаётимизга кириб келган глобаллашув жараёнлари халқлар , мамлакатлар , хатто китъалар ўртасида ўзаро муносабатлар ва алоқаларни янги поғонага кўтарди. Бу жараёнлар ўз навбатида таълим-тарбияга янги талаблар қўймоқда , унинг мазмунини , шакл ва усуллари қайтадан қўриб чиқишни тақазо этмоқда.

Баркамол авлодни, етук шахсни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми талаба ва ўқувчиларнинг вақтини ўрганиш, ундан оқилона фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнида унумли фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

Бизнинг фикримизча, олий мактаб талабаси умумий вақтининг таркиби қуйидаги қисмлардан иборат:

- ўқиш учун, яъни аудиторияда ўтказиладиган вақт;
- ўқишдан ташқари, яъни фанларни ўзлаштириш учун сарфланадиган вақт;
- шахсий вақт, яъни ухлаш, хордиқ чиқариш, шахсий юмушлар ва бошқаларни бажаришга кетадиган вақт;
- бўш вақт.

Бўш вақт ўз номи билан бўш, эркин вақт деб тушуниш нотўғри. Аслида у ўқув-тарбиявий жараённинг таркибий қисми , унинг ахамиятини сусайтирган ҳолда ёндошиш ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Талабанинг бўш вақтини тўғри ташкил этилганда у миллий ғояни ёшлар онига сингдиришнинг муҳим воситаси бўлиши мумкин. Талаба бўш вақтининг энг муҳим томони – бу вақт давомида у ўзи билан ўзи бўлади, хоҳиш истагига кўра ривожланиш имкони туғилади. Таъкидлаш жоизки , бўш вақт доимо ташқи

шароит ва омиллар таъсирида бўлади. Шунинг учун ҳам талаба бўш вақтини бошқариш зарурияти ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бўш вақт муаммоси жамиятнинг олдида турган барча мақсадлар билан бевосита боғлиқ. Мустақиллик йилларида Президент Ислоҳ Каримов томонидан “инсон омили” деб номланган фалсафий категория янгиланди, қайтадан ишлаб чиқилди. Бунга яққол мисол Ўзбекистондаги мавжуд таълим-тарбия тизими. Баркамол авлодни шакллантириш бўйича улкан, оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ёшлари жуда фаол. Улар аъло ўқиш билан бирга спорт, мусиқа, хорижий тилларни ўрганиш, билан бирга, жамоат ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Аммо эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслик керак. Бугунги асосий вазифалардан бири – бўлажак мутахассисларни касбий савияларини юксалтириш билан бирга уларнинг умумий маданиятини ҳам шакллантириш ва ривожлантириш керак. Бу жараёнда нафақат ўқув жараёни, балки талабанинг бўш вақти ҳам катта ўрин эгаллайди.

Миллий ғояни талаба ёшлар онгига сингдиришда мураббий томонидан талабалар бўш вақти чуқур таҳлил этилиши лозим. Бу жараёнда мураббийлар томонидан ўтказиладиган “Маънавият ва маърифат соатлари” катта аҳамиятга эга. Бу соатларни самарадорлигини оширишда мураббийлар билан жамиятшунослик фанлари кафедраларининг тажрибали ўқитувчилари томонидан махсус машғулотлар ўтказилиши лозим. Талабалар билан социологик тадқиқотларни мунтазам ўтказиш, улар ёрдамида талабалар томонидан бўш вақтларини қандай ва нималар билан ўтказаяётгани ҳақида мураббий маълумотга эга бўлиши керак.

Талабалар бўш вақтининг мураккаб муаммоларидан бири – ўз устида ишлаш, дам олиш, кўнгилни ёзиш, озгина бўлса ҳам ўқув жараёни қийинчиликлари ва муаммоларини унутишдир. Хордиқ чиқаришнинг ҳам ижтимоий йўналтирилган услубларини қўллаш лозим. У миллий ғояни талаба қалбига сингдиришга қаратилган мазмунга эга бўлиши керак. Ҳеч кимга сир эмас, бугун талабаларнинг кўпчилиги бўш вақтларида “интернет” билан

ишлайдилар. Улар бу пайтда пассив ҳолат – ўтириш, тинмай ўқиш, эшитиш, ахборот қабул қилиш кабилар билан машғул бўладилар. Қисқаси, кам ҳаракат фаолият нималар биландир тўлдирилиши керак. Бундай шароитда бўш вақт фаол, серҳаракат жараён билан бойитилиши лозим. Айниқса, талаба учун рухий тикланиш жуда ҳам зарур. Рухий тикланиш талабага эстетик завқ олиш, ижобий хис-туйғуни шакллантиради. Натижада у кўп негатив ҳолатлардан соқит бўлади. Ўқув юртида ташкил этиладиган концертлар, дам олиш ва кулгу кечалари, табиат қўйнига саёҳатлар, суҳбатлар, диспутлар ва ҳ.к.лар мазмуни маънавий бой ва турли бўлмоғи керак. Бунда ҳам миллий ғоядан узоқлашмаслик керак.

Қисқаси, барча тадбирлар талабаларга зарар келтирувчи омилларга қарши, уларни қизиқтирувчи ва шаблонсиз ташкил этилганда юқори самарага эга бўлади.

Глобаллашув жараёни бўш вақтни ташкил этишда янги вазифаларни қўймоқда. Илгаридек янги фильмни кўриш учун кинотеатрга бориш йўқ. Вазият умуман бошқача. Ахборот коммуникацион технологиялар ривожини ўқув юртлари иш фаолиятларини тубдан ўзгартиришини тақозо этади. Илгари “Дўстларинг кимлигини айт, мен сени кимлигингни айтаман”. Энди эса: “Фойдаланаётган сайтларингни айт, мен сени кимлигингни айтаман”.

Шундай қилиб, бугунги мураккаб шароитда бўш вақт муаммоларининг ечими шахснинг эҳтиёжларини қондиришга, ўқув жараёнини тўлақонли ташкил этишга, миллий ғояни сингдиришга хизмат қилмоғи керак. Бўш вақтни ўтказишда ижтимоий йўналтирилган мазмун ва услублардан фойдаланиш талабалар онгига умумий маданиятини, миллий ғояни сингдириш самарадорлигини оширади. Бунда мураббий бадиий асарларни, тарихий сюжетларни, халқ оғзаки ижоди намуналарини тавсия этиб бориши керак. Шундагина талабанинг бўш вақти миллий ғояни сингдиришнинг муҳим воситаси бўлади. Юқоридаги фикрларни таҳлил этган ҳолда барча олий ўқув юрти муассасаларида “Талаба бўш вақти дастури” ни ишлаб чиқишни муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз.